

ISSN 2181-7324

ЎзМУ ХАБАРЛАРИ



№ 1/5 ◊ 2016

Ижтимоий-
гуманитар
фналар
йўналиши

Направление
социально-
гуманитарных
наук

Social-
humanitarian
sciences



ВЕСТНИК НУУЗ ◊ АСТА NUUz

**ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ДИАГНОСТИКА ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ**

Нарметова Ю. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада тиббиёт муассасаларида фаолият юритувчи психолог-мутахассисларнинг психодиагностик фаолиятини ташкил этишига тизимли ёндашув масалалари мухокама қилинган. Тизимли ёндашувнинг маҳияти, методологик ва методик принциплари таҳлил қилинган. Тиббиётда психодиагностик тадбирлар вазифалари турли касалликлар нозологик тавсифига кўра қараб чиқилган. Психодиагностиканинг касалликлар келиб чиқши, кечиши ва реабилитация жараёнларидаги ўрни ва истиқбол вазифалари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: тизимли ёндашув, психика, психологик диагностика, психосоматика, соматопсихика, психокоррекция, хасталик, бемор, касалликка муносабат, психолог фаолияти, ҳаёт даражаси, индивидуал психологик хусусиятлар.

Тизимли ёндашув ўтган асрнинг 60-70 – йилларида табиатшунослик фанларида шаклланган мураккаб объектларни ўрганиш методологик принцип сифатида, кейинчалик фан ва амалиётнинг бошқа соҳаларида ҳам ўзининг самарадорлигини кўрсатди.

Тизимли ёндашувнинг асосий принциплари инсон психикасининг биосоциал маҳияти ва тизимли характерини кўрсатиб берган жуда кўп психологлар томонидан қабул қилинган(Анохин П.К., Ломов Б.Ф., Мерлин В.С., Платонов К.К., Веккер Л.М.). Инсон психикаси тизимли характерига мос равишда уни комплекс (Ананьев Б.Г.) ва тизимли тадқиқ этишига ёндашувлар ишлаб чиқилди (Ганзен В.А., Ломов Б.Ф.).

Психикани унинг биологик, ижтимоий ва айнан психологик жиҳатидан намоён бўлишига яхлитлик нуктаи назаридан караш гояси узок вакт мобайнида жуда кўп олимлар томонидан эътироф этиб келинган, бирок мазкур яхлитликнинг методологик маҳияти тўла равишда психологиядаги тизимли ёндашув ривожланиши билангина англаниши мумкин бўлган. Шунинг учун ҳам айни пайтда психология муаммоларини тизимли қараб чиқиш долзарб масалалардан бири хисобланади. Мазкур ҳолат бутун психология фани учун, шунингдек, унинг алоҳида бўлимлари учун-ҳам тааллуклидир. Жумладан, тиббиёт психологиаси характери тобора мураккаблашиб бораётганлиги сабабли ҳам тиббиёт соҳасида фаолият юритувчи психологларнинг психологик диагностика билан боғлиқ касбий фаолиятида ҳам тизимли ёндашув гоялари ва методларини қўллаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда психологик диагностика тиббиёт ва соғликни саклаш тизимида иш олиб бораётган психологларнинг асосий касбий фаолияти шакли сифатида намоён бўлмоқда. Тиббиёт психодиагностикка масалалари асаб-рухий ва психосоматик касалликлар билан хасталангандан беморларни даволаш ва реабилитация, шунингдек касалликлар профилактикаси, психологик консультация ва коррекция психотерапия ҳамда ижтимоий реабилитация вазифалари билан чамбарчас боғлиқ[1,2,3,8].

Ҳар қандай касбий фаолият каби тиббиётдаги психодиагностикка ҳам яхлит, интеграциялашган

холда диагностик жараённинг барча бўғимларида узвий ўзаро таъсир ва ўзаро шартланганликда намоён бўлади. Тиббиёт психодиагностикасининг айнан шундай характери шахсни унинг турли ҳаёт шароитларида барча индивидуал-психологик хусусиятларининг қўринишлари билан кенгайтирилган ҳамда психодиагностиканинг айнан шундай характери инсон психикасини тизимли тавсифига мос келади. Бинобарин, инсон психикасини тизимли қараб чиқишига йўналтирилган тиббиёт психодиагностикасининг энг мураккаб фаолияти сифатида қатнашади ва муносиб баёни ҳамда чукур таҳлили фақатгина тизимли ёндашув тамойиллари асосида амалга оширилиши мумкин. Тиббиёт психодиагностикасини тизимли ёндашув нұктаи назаридан кўриб чиқиши муаммосининг долзарблиги мазкур илмий-амалий соҳада жуда кўп эмпирик материал тўпланганлиги ҳамда тадқиқотларнинг тобора экстенсив характерга эга бўлиб бораётганлиги билан боғлиқ.

Мазкур соҳадаги билимларни тизимлаштириш, тиббиётда психодиагностик фаолиятнинг умумий назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш зарурати юзага келди. Бундан ташқари ўтган асрнинг 60-70-йилларида Б.В.Зейгарникнинг патопсихология, А.Р.Лурияниң нейропсихология мактаби, ҳамда В.Н.Мясищевнинг тиббиёт психологиаси мактаблари томонидан ишлаб чиқилган ва қўлланилиб келинаётган методология сўнгги йилларда чет эл ёндашувлари билан тўлдириб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, психодиагностик фаолиятнинг алоҳида элементлари (вазифалари, методлари, тамойиллари) психологлар ва клиницистлар томонидан бир неча марта қараб чиқилган [6,8], бирок мазкур ишлар тарқоқ характерга эга ва билимлар интеграцияси, тиббиёт психодиагностикка ривожланишининг замонавий ҳолати ҳамда истиқболларини чукур таҳлил қилиш имкониятини бермайди.

Шундай қилиб, норма ва патологиядаги шахсни яхлит ўрганиш анъаналарига асосланган тизимли ёндашув тиббиёт психологлари касбий фаолиятининг мухим тури бўлмиш психодиагностикани ўрганишда ўта долзарб ва зарурият эканлигини кўрсатади.

Клиник медицинада психодиагностикани ташкил этувчи омиллар сифатида синдромал,

* Нарметова Ю. – ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси.

нозологик ва функционал диагнозлар қўйиш, беморларни даволаш ва реабилитация жараёнлари оптимал тактикасини ишлаб чиқиши ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш билан боғлик умумий тиббий вазифалар қатнашади. Профилактик медицинада эса бундай омил сифатида асаб-рухий дезадаптация хавфи юкори шахсларни аниглаш ва касалликдан олдинги, экстремал ва инкирозли вазиятларда руҳиятнинг мослашув-компенсация имкониятларини аникловчи индивидуал-шахслик ва социал-психологик омиллар иштирок этади. Тиббий психодиагностика беморларнинг нозологик, ижтимоий, ёшга оид ва бошқа гурухларига қўлланилиши билан турли клиник вазиятларда намоён бўлишига кўра полифункционал характерга эгадир. Психологик диагностиканинг клиникадаги асосий вазифаси ахборот(гностик ва прогностик) ва коррекцион, яъни психотерапевтик вазифаларидир. Мониторинг, скрининг ва бошқа оммавий психологик тадқиқотларда тиббий психодиагностиканинг профилактик функцияси амалга оширилади. Клиник патоморфознинг замонавий шароитларида психодиагностиканинг анъанавий вазифалари психиатрик клиникада руҳий патологиянинг кичик тузилмавий шаклларини аниглаш вазифаси билан тўлдирилади (дифференциал диагностика жараённада интеллектуал, эмоционал, иродавий нуқсонлар даражаси ва тузилмасини ҳамда психиатрик экспертизанинг турли кўринишларини аниглаш вазифалари).

Психик бузилишларнинг психодинамик ва биопсихосоциал моделларининг тан олинишиклиник психодиагностиканинг вазифалар доирасини аҳамиятли даражада кенгайтиради ва уни шахс мослашув-компенсатор заҳираларини ўрганиш ҳамда беморлар психосоциал характеристикалари асосида даволаш самарадорлигини олдиндан айтиб бериш марказига айлантиради.

Соматик клиникада психодиагностика психосоматик патология ривожланишига таъсир этувчи психосоциал омилларни, беморларнинг соматоген хавфга нисбатан муносабатини, шунингдек «касалликнинг ички кўриниши» касалликни енгиздаги үсуллар ва шахсдаги заҳираларни аниглашга қаратилади. Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан тиббий психодиагностика предмети ўзаро бир-бири билан боғлик психиканинг когнитив, эмоционал-аффектив, мотивацион-иродавий ва бошқа соҳаларига мансуб функциялар, ҳолатлар, хоссаларни ўз ичига олади.

Асаб-рухий бузилишларда билиш фаолиятини тадқиқ этиш соҳасида психодиагностик методларнинг ностандарт мустакил синфи юзага келдик, улар синалувчи томонидан бажарилган экспериментал топширикларнинг натижасини эмас, балки тафаккур ва бошқа билиш вазифаларини ечишининг бориши, шунингдек тадқиқот жараённада синалувчи хулқ-авторининг ўзига хослиги, мотивациясини таҳлил килиб беради.

Функционал синов тамойили асосида шаклланган мазкур методикалар синфи Москва Давлат университети “Пато-ва нейропсихология” кафедрасида ишлаб чиқилган ҳамда клиникада

психик фаолиятни экспериментал тадқиқ этишининг ягона мақбул ва муносиб йўли сифатида эътироф этилган эди. Шахсни диагностика килиш соҳасида тиббиёт анъаналарига асосланган методологик изланишлар шахс мавжудлигининг тарихий жабхасини, унинг психогенезини ўрганишнинг асосий предмети сифатида биографик ёндашувни ривожлантиришга олиб келди. Бундай ёндашув айниқса В.Н.Масишев томонидан шахсни аҳамиятли муносабатлар тизими сифатида ўрганиш таклифи билдирилгандан сўнг янада долбзарб бўлиб колди. Ўзининг кейинги тараққиётини биографик метод Б.Г.Ананьев ва унинг издошлари томонидан инсонни индивид, шахс ва индивидуаллик сифатида комплекс психологик ўрганиш тизимида қараб чиқила бошланганидан кейин намоён килди. Шундай килиб, шаклланиш ва ривожланишнинг мураккаб йўлини босиб ўтган тиббиёт психодиагностикаси беморларни психологик тадқиқ этишда ўз методологик тамойилларига ҳамда экспериментал ва клиник-психологик тадқиқот методлари тизимида эга бўлди. Тиббиёт психодиагностикасининг ҳозирги замонда ривожланиши унинг кейинги тараққиётини ва клиник психодиагностикаси жаҳон тизимида интеграциясини тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, чет элларда, хусусан Гарбда клиник психодиагностиканинг ривожланиши тенденциялари тиббиёт (жумладан неврология ва психиатрия) ва клиник psychology ривожланишинг умумий қонуниятларини акс эттиради. Сўнгги пайтларда тадқиқчилар қизиқишилари катта нозологик шакллардан алоҳида психик бузилишларга (масалан жароҳатдан кейинги стресс бузилишлари, хавотирланиш бузилишлари) ўтиб бораётганлиги сезилмокда, анъанавий клиник-феноменологик ёндашув сезиларли тарзда ўз ўрнини когнитив ва нейрофанлар билан боғлик субъектив ёндашувларга бўшати бермокда. Шу тарика илгари устунлик қилган назарий моделлар янги, клиник шаклланган конкрет бузилишлар билан боғлик назариялар билан янгиланди. Бундай вазиятда диагностика кўпроқ даволаш ва реабилитацияягидан ўйналтирилганлигини кузатишими мумкин.

Умуман олганда, замонавий клиник психодиагностика ривожланишининг асосий тенденциялари таҳлили унинг фан ривожланиши хусусиятлари ва ижтимоий амалиёт эҳтиёжлари билан алоказарлигини кўрсатмокда. Ҳозирги пайтда мазкур тенденциялар бутун дунёда бир томондан клиник психологлар касбий компетентлиги соҳаси кенгайшини акс эттираётган бўлса, бошқа томондан клиник психодиагностиканинг тобора объектив методларга суюнишини кўрсатмокда.

Бир қатор муаллифлар [4,7,8] психиатрик клиникада психологик диагностиканинг анъанавий вазифаларини ажратиб кўрсатадилар: дифференциал диагностика учун маълумотлар йиғиш, экспертизанинг турли кўринишларида (суд, ҳарбий, меҳнат) интеллектуал, эмоционал, иродавий нуқсонлар даражаси ва тузилмасини аниглаш, олиб борилаётган терапия учун психик бузилишлар динамикасини баҳолаш, врач-психиатр томонидан

амалга ошириладиган клиник диагностикани аниклаш учун.

Кўрсатилган вазифалар тарихий жабхада таҳлил килиб чиқилган, бу эса клиник-психологик диагностика учун маълумотлар олишнинг умумий вазифаси ўз долзарблигини бугунги кунда ҳам саклаб колганлиги, бироқ янги мазмун ва вазифалар билан тўлдирилаётганинги билдиради. Янги психодиагностик вазифаларнинг кейинги гурухи руҳий бузилишларнинг этиопатогенетик механизmlари ҳакидаги тасаввурларнинг ўзгариши билан боғлиқ. Жумладан, анъанавий конституционал-биологик ёндашувга касалликларнинг юзага келиши ва кечишига психо-динамик ёндашув нуктаи назари қарши қўйилади. Бундай вазиятларда психодиагностиканинг асосий вазифалари доира-сига оиласиб муносабатлар (ота-она ва фарзандлар ўртасида шаклланган илк муносабатлар), турли-туман макро- ва микросоциал стрессор-омиллар, шахснинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ундаги муносабув-компенсация механизmlари киритилади.

Депрессив бузилишлар вазиятида эса юкори ахамиятга эга бўлган диагностик омилларни аниклаш вазифаси (ўзини ўзи баҳолаш тизимининг бузилиши ва даражасининг пасайиши, реакцияларнинг интропунитив характеристи ва х.к.) беморлар когнитив соҳасини ўрганиш вазифалари билан тўлдирилади. Бунинг сабаби шундаки, А.Бек фикрига кўра, депрессив бузилишлар келиб чиқишининг замонавий концепциялари асосида когнитив бузилишлар ётади. Эмоционал бузилишлар ривожланишининг когнитив механизmlари ҳакидаги фикрлар депрессив беморларнинг самарасиз копинг хулк-автори ҳакидаги тасаввурлар билан уйғунлашиб кетади.

Неврология клиникада гипсихо диагностиканинг асосий вазифалари ўрганилаётган патологиянинг характеристи билан белгиланади. Мазкур вазиятда психодиагностиканинг вазифалари нейропсихология билан чамбарчас боғлиқ, яъни бош миядаги бузилиш ўчоғи туфайли юзага келадиган психик фаолият бузилишларини аниклашдан иборат. Дифференциал диагностика данейропсихологик тадқиқотлар беморлар билан коррекцион ва реабилитация тадбирларини ташкил этишда нейропсихологик усуслардан фойдаланиш назарда тутилади.

Соматик касалликлар клиникасида психо-диагностик тадбирларни ташкил этиш масаласига

келсақ, унинг аҳамияти касалликларнинг келиб чиқиши ва даволаш жарёнида бемор шахси ҳамда ижтимоий-психологик омиллар ролини аниклаш билан белгиланади. Бунда беморнинг ўзидаги хасталикка ва унинг оқибатларига қандай муносабатда бўлиши билан боғлиқ соматоген-психоген таъсиirlарни ўрганиш мухим аҳамият касб этади. Асосий эътибор беморнинг психик ҳолатига, унинг интеллектуал ва эмоционал компонентларига, шунингдек бемор шахси соҳасидаги ўзгаришларга қаратилиши лозим. Бир катор мутахассислар фикрига кўра, бундай ҳолатларда адекватпсихологик диагностика, гарчи унинг методологик пойdevори ҳозирги кунга қадар тўлиқ ишлаб чиқилмаган бўлса-да, мураккаб соматопсихик ва психосоматик ўзаро муносабатларни хисобга олиши керак,

Навбатдаги вазифа шахснинг касаллик шароитига психологик мослашуви масалалари билан боғлиқ. Мазкур вазифа ўз ичига беморларнинг химоявий-енгиш хулк-автори хусусиятларини ҳам камраб олади. Хасталикни психологик енгишнинг ноадекват усусларини аниклаш ва бартараф этиш психолог фаолиятининг мухим таркибий кисми ҳисобланади.

Замонавий тиббиёт психологиясида ўртага ташланяётган мухим вазифалардан яна бирни бемор хаёт даражасини ўрганишдир. Мазкур вазифа беморни нафакат жисмонан даволаш, балки унинг руҳий-маънавий ва ижтимоий мукаммаллигини ошириш вазифаси билан боғлиқ. Тиббий клиникаларда фаолият юритадиган психолог учун беморнинг касаллик шароитидаги қадриятлар тизимини аниклаш жуда мухим ва бу вазифани мукаммал адо этиш психологик коррекция ва социал реабилитация усусларини ташлашда ҳал қилювчи аҳамиятга эга

Шундай килиб, таъкидлаш жоизки, соматик клиникада психологик диагностикани ташкил этиш вазифаси тизимли бирликни тақозо этади. Мазкур вазифалар касалликларнинг келиб чиқиши, кечиши ва даволанишига таъсири кўрсатувчи омилларни аниклаш, инсон психик фаолиятининг касаллик таъсири остида ўзгариши, беморнинг ўз касаллигига муносабати, шунингдек, шахснинг касалликка психологик мослашуви, касаллик вақтида ҳаёт даражасини саклаб қолиши ёки тиклаш имкониятларини аниклашга хизмат қилиши зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: ЛГУ, 1968. – 340 с.
2. Анохин П.К. Системные механизмы высшей нервной деятельности. – М.: Наука, 1979. С.454
3. Березин Ф. Б. Психическая и психофизиологическая адаптация человека. – Л.: Наука, 1988. С. 268
4. Вассерман Л.И., Щелкова О.Ю. Медицинская психодиагностика: Теория, практика, обучение. – СПб. – М.: Академия, 2003. С.736
5. Гурвич И.Н. Социальная психология здоровья. – СПб.: изд-во СПбГУ, 1999. С. 1023
6. Иовлев Б.В., Карпова Э.Б. Психология отношений: концепция В.Н. Мясищева и медицинская психология. – СПб.: Сенсор, 1999. С. 76
7. Николаева, В.В., Арина Г.А. Клинико-психологические проблемы психологий телесности // Психологический журнал. – 2003. – Т. 24. – № 1. – С. 119–126.
8. Щелкова О.Ю. Психологическая диагностика в медицине//автореф. дисс. доктора психол.н. М., 2009. Б.34

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждены вопросы системного подхода в организации психодиагностической деятельности психологов-специалистов, работающих в медицинских учреждениях. Проанализированы сущность, методологические и методические принципы системного подхода. Рассмотрены функции психодиагностических мероприятий в медицине в зависимости от нозологий заболеваний. Интерпретированы роль и перспективные задачи психодиагностики в возникновении, течении и реабилитации болезней.

Ключевые слова: системный подход, психика, психологическая диагностика, психосоматика, соматопсихика, психокоррекция, заболевание, больной, отношение к болезни, деятельность психолога, качество жизни, индивидуально-психологические особенности

RESUME

RESCUE
In the article discussed the issue of systematic approach of psychologist specialists who are working in the medical establishment for organize psycho diagnostic. It is analyzed a core of systematic approach, methodological and methodical principles. In medicine function of actions explored according to the nozologik description of various diseases. The origin of psycho diagnostic diseases, in the development and rehabilitation processes analysis of the role and future functions.

Key words: a systematic approach, psyche, psychological diagnostic, psychosomatic, somatic psyche, psyche correction, diseases, patient, attitude to the disease, psychological activity, the level of life, individual psychological peculiarities.